

ИСЛОМ КАРИМОВ ИТАЛИЯГА ЖўНАБ КЕТДИ

20 июнь кун Ислам Каримов Италия Республикасида бўлиб кетди. Мазкур сафар чоғида мамлакатнинг раҳбари Флоренцияда Европа Иттифоқи аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви доирасида Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасида шериклиги ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзолаш маросимида қатнашди.


Мазкур битимнинг нафақат иқтисодий ва маънавий, балки сиёсий жиҳатдан ҳам улкан аҳамияти бор, — деди И. Каримов аэропортда журналистлар билан суҳбат чоғида.

Бу Ўзбекистонга Фарб мамлакатлари дарвозаси яна ҳам кенг очилишига имконият яратди. Бундан ташқари, ушбу таширф Ўзбекистон-Италия муносабатларини янги bosқичга кўтариб деб умид қиламиз.

Илгари хабар қилинганидек, Президент Ислам Каримов Италия сафари нихосига етган, 23-28 июнь кунлари Америка Қўшма Штатларида ҳам бўлади. Таширф чоғида мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон-Америка муносабатларини чуқурлаштириш ва кенгайтиришга кўмаклашувчи бир қанча муҳим учрашувлар ўтказилади.

Биз Америкада мамлакат раҳбарлари, вазирлар билан учрашиш бараварида, АҚШнинг йirik компаниялари, ишбилармонлари билан ҳам мулоқотда бўламиз, — деди И. Каримов. — Бу Ўзбекистонга Америка сармоясини жалб этишимиз учун яхши имконият яратди. Мазкур таширф Ўзбекистон жаҳон миқёсида ўзига хос ва ўзига мос ўринни эгаллаётганини кўрсатади.

Тошкент аэропортда Президент Ислам Каримовни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир У. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлағанов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.



Пойтахтнинг энг қулай, энг афзал транспорти ҳисобланмиш метро — Тошкент метрополитени йўллари кенгайтириш, аҳолининг узоғини яқин, оғирини енгил қилиш ишлари давом этмоқда. Итиқлик билан қулайлашган Юнусов йўлида ҳам қурилиш ишлари bosқичма-bosқич ўз пойнага етмоқда. СУРАТДА: Юнусов йўли қурилишида.

«МЕХНАТ, ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК»

«Экосан» экология ва саломатлик халқаро жамғармаси, «Евромайтмаксинао» ассоциацияси, Меҳнат вазирлиги ҳамда республика касабта уюмлари федерацияси ҳамкорлигида ўтказилган илмий-амалий конференция «Меҳнат, экология ва саломатлик» деб номланди.

Бу анжуман «Тошмаргё» очик турдаги ҳиссадорлик жамиятида ўтказилди. Тадбир бошлангунга қадар конференция иштирокчилари корхонанинг ишлаб чиқариш цехлари билан танишиб чиқди.

«Экосан» халқаро жамғармаси президенти Юсуф Шодиметов «Инсоннинг меҳнат ва саломатлиги замирида ижтимоий экология муаммолари» ҳақида атрафлига тўхталиб ўтди.

Шунингдек «Экосан» билан ҳамкорликда иш қураётган ва бу ташкилот кўтарган долзарб мавзуга ўз ҳиссасини қўшиш иштиёқида бўлган АҚШнинг халқаро банки вакили, Германиянинг Конрад Аденауэр фонди ҳамда «Хема-Балки-дюр» фирмалари вакиллари иштирок этиб, Ўзбекистонда экология ва одамлар саломатлиги йўлидаги барча ишларга ҳайрихоҳ эканликлари ҳақида гапирди.

Конференция сўнгида «Бухоросут» ҳиссадорлик жамиятида табиатни ифлослантмаслик, ишчиларнинг яхши меҳнат қилиб, яхши ишлашлари учун яратилаётган шартлар ва қидириб топилаётган имкониятлар ҳақида ўзаро фикр алмашилди.

Гулзода МАМБЕТОВА.

ҚОНУНЛАР — ОММАГА

Республикамиз ҳуқуқий давлат қураётган бир шароитда ҳуқуқий билимларни оммалаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада Тошкент шаҳар прокуратураси ибратли ишларни амалга оширди.

Оммавий ахборот воситалари, шу жумладан корхоналарнинг кўп нусхали газеталари тахририяти ва радио тармоқлари билан амалий алоқалар йўлга қўйилган. Прокурор-тергов ходимлари ҳуқуқий мавзуда мақолалар билан матбуот саҳифаларида фаол қатнашмоқдалар. Радио орқали суҳбатлар, телекўрсатувларда эса Республика Президентининг Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси қонунлари хусусида суҳбатлар уюштирилмоқда.

Прокуратура органлари ходимлари ўз фаолиятида ошқораликка интиляпти. Қонунлар ижросини таъминлаш бўйича текширишлар ўтказилапти. Жамoa аъзолари ўртасида қонунларни тушунтириш ишлари олиб бориляпти.

Текшириш тугалланганидан сўлат унинг натижалари, қўланган прокурорлик чора-тадбирлари ишчи, хизматчи йиғинларида муҳокима қилинади.

Прокуратура органларининг ҳуқуқий тарғибот ишида бозор шунтириш ишларини олиб бориладилар. Вояга етмаганлар ўртасида қонунчиликни тушунтириш ишларини олиб боришда асосий эътибор ушбу тадбирларни уларнинг яшаш жойларида, маҳалларда ўтказишга қаратилди.

Утган йили шаҳар маҳалларда ўтказилган учрашувларда қонунчилик ва жиноятчилик аҳоли ҳақида ахборотлар берилди. Президентнинг кам тэминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни қўлайтиришга оид тадбирлар тўғрисидаги ҳусусий тадбиркорлик тўғрисидаги фармонлари, умумий ҳарбий мажбурият ва бошқа қонунлар ҳақида суҳбатлар ўтказилди.

Утган йили шаҳар маҳалларда ўтказилган учрашувларда қонунчилик ва жиноятчилик аҳоли ҳақида ахборотлар берилди. Президентнинг кам тэминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни қўлайтиришга оид тадбирлар тўғрисидаги ҳусусий тадбиркорлик тўғрисидаги фармонлари, умумий ҳарбий мажбурият ва бошқа қонунлар ҳақида суҳбатлар ўтказилди.

Ташкилот ШАХАР ПРОКУРАТУРАСИНИНГ МАТБУОТ МАРКАЗИ

ШАРҚ РАНГЛАРИ ЖИПОЛАРИ

Ўзбекистон давлат санъат музейида ўзбек рассомлари ижодидан ташкил толган «Шарқ ранглари» мавзусидаги кўргазма намойиши давом этмоқда.

Кўргазма хоналарига кейинги авлодга мансуб миллий руҳда ижод қилаётган истеъдодли ҳозирги замон ёшлари асарларидан намуналар қўйилган. Булар бир қанча асарлари билан шахсий кўргазмаларида томошабинлар эътиборини тортган Алишер Мирзаев, Баҳодир Жалолов, Жавлон Умарбеков, Аслидин Исов, Музаффар Абдуллаев, уйғур мусаввири Леким Иброҳимовлардир. Ҳар бир рассом ижоди мавзун турлича бўлсада, Шарқнинг ўзига хос рангларида яратилган асарлари гоёявий мазмунини гоҳ манзара, гоҳ портрет, гоҳ эса картинада очиб беришда яхлит миллий тасвирий санъат ривожига ўз ҳиссаларини қўшишган.

Ўзбекистон халқ рассоми Алишер Мирзаевнинг ўнлаб рангтасвирлари орасида «Шамолли кун», «Нақшнинг холати», «Ўтмишдан эртақлар», «Меҳмондўстлик», «Сўнгги учрашу» каби асарларини халқимизнинг энг яхши, ибратли одалари, она еримиз саховати, худди баҳвал, атлас, бекасанини эслатувчи кўринишлари бадиий руҳда ақс этган. Мусавир нимани мўйқаламга олган бўлса, тасвирларини тезда, аниқ кўзга кўрсатишга шошилмай, чуқур мулоҳаза қилиб, ҳар биримизни ранглар оқимидagi тасвирларини кўз-кўз қилиб, худди ўзинг тонгин дегандек ўйлашга мажбур этади. Рассом билан бир вақтда ижод қилаётган ҳамкасбларидан Баҳодир Жалолов кўпинча инсондаги олижаноблик, миллий гурур, фахр, унда мавжуд бўлган турганмас куч, олий мақсад сарғини интилишлар, ҳаётга муҳаббат, келажакка ишонч туйғуларини тасвирлашни хуш қўради.

Айнан шу томонни «Эрак портрети», «Нигора», «Автопортрет» ва бошқа буюдор асарларида кўрамиз. Рассом Жавлон Умарбеков яратган асарларида эса хотирлаш, ўтмишнинг қадрлаш ҳолатларининг гувоҳи бўламиз. «Мешкоб» картинасида сув ташиётган кишини кўрсак, «Учар аравларда» туркум тасвирлар орқали халқимиз эъозлаб келган катта гилдираклик қўқон аравлар бирин-кетин ақс эттирилиб, уларнинг куч-қудрати намойиш қилинган. Жавлон Умарбеков нафақат тасвир, ранглардан ҳам унумли фойдаланиб, миллий кўринишларни оверпоуча тасвирлаш бўлсада Шарқ маданиятини улуғлай олган. Шундай хусусиятларни Аслидин Исов, Музаффар Абдуллаев, Леким Иброҳимов ижодларида ҳам сезиш мумкин.

Рассомликнинг манзара жанрида ўз ўрнини топиб олган, истеъдодли ёш мусавири Бехзод Маҳмудов ижодида чунган фаёслиқ қарашлар ўз аксини топган. У она табиятда нимани кўрсак, қандайд бўлса шундайлигича тасвирлайверишни хуш кўрмайдиган мусавир. «Аср нафаси», «Мудроқ табиат», «Сукунат» асарларида табиатнинг ороми, нафосатга бойлиги, худди тирик мавжудлик, сирасини айтганда, инсонлардек тинчликни хуш қўриш томонлари шоирона ифода этилади.

Кўргазмада намойиш этилаётган Б. Саломовнинг «Бухоро» асарида ёрқин рангларда қадимий Бухоро ёдгорликлари бирма-бир тасвирланган бўлса, Д. Имомовнинг «Рухоб макбараси»да муқаддас жойлардан бири, диний эътиқодимиздан бир қатраси мейморчиликда ақс этган шақл гувоҳи бўламиз. Ҳамма тасвирларда миллий рангларнинг мутаносиблиги, руҳий олиманининг ҳаққоний кўрсати олими ҳолатлари мавжудлиги шинавандаларни хушуд этаётди.

Маҳмуд АХМЕДОВ

ПАТРИСИЯ ВАРТУШ: «ШАҲРИНГИЗ МЕНИ МАФТУН ЭТДИ»

Ҳар соҳада биринчи бўлиш яхши. Аиниқса спорт мусобақаларида илк марта чемпион бўлиш қувончи ўзгача бўлади. Тошкент челленжер аёллар турнирининг илк чемпиони, австриялик теннисчи Патрисия Вартушнинг бошига ҳам бахт қўшиб, яқна беллашувларда ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори погонасидан жой олди. Энг муҳими, Патрисия ўзининг ажойиб ўйини, аниқ ва қучли зарбалари билан ишқибозлар дилини забт этди. Биз Патрисия Вартуш мусобақанинг бош соғирини эндигина қўлга киритиб, ҳали ҳаяжонни босилмаган чоғда у билан суҳбатлашдик.

— Шаҳримиз, яқунланган халқаро челленжер мусобақаси тўғрисидаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Тошкент мени ўзининг ғозалиги билан мафтун этди. Кенг ва раво кўчалар, ажойиб хиёбонларга бой, кўкalamзор шаҳар экан. Бу ерда ўзбекона меҳмондўстлик ва очикқўнгликнинг гувоҳи бўлдим. Энг муҳими, Ўзбекистон нуфузли челленжер мусобақаларини ҳам юқори даражада ташкил эта олишини исботлади. Ўз юртим Австрияда ҳам даярли шу муқаддларда сизлардаги каби нуфузли анъанавий мусобақа ўтказилади. Леким, мен Ўзбекистонга келиб челленжерда қатнашганлигимдан гоъ хурсандман. Қолаверса бу мусобақа менга омад келтирди.

— Унуман, турнирдан олдин унда галаба қозонман деб ўйлаганимизми?

— Очқини айтганда, албатта ҳар бир спортчи мусобақа олдиндан ўзини галаба учун тайёрлайди. Бироқ голиб чиқиш шу пайтдаги спорт формаси, рақибларнинг кучи ва шу каби кўпгина омилларга боғлиқдир.

Тошкентта биринчи марта келганлигим сабабли дастлаб рақибларимнинг ўйинлари билан танишим, ўз кучимни синаб кўрдим. Финалга чиққангидан сўнг эса галаба қозонишимга тўла ишонч ҳосил қилдим. Шу сабабдан ҳам биринчи сет 20 дақиқа ичида менинг фойдага ҳал бўлди. Зеро, биринчи сетда рақибим жуда кўп хатоларга йўл қўйди, ниҳоят у ўзига келганда эса менинг шиддатимни тўхтайтиб қола олмади. «Динамо» кортларида

хукм сурган спорт ва дўстлик руҳи менга жуда ёқиб, галаба учун далда бўлди. Бошқа мусобақаларда ҳеч қачон бунчалик кўп ва чиройли совғалар олмаганман. Бош соғирин ва миллий хонатлас бу жуда ўзал онларни эслатиб, энди ўйимнинг турйдан қолди.

Мен кейинги Тошкент челленжер турнирига келишни жуда истардим. Зеро, менинг бир одадим бор — муваффақиятли иштирок этган мусобақаларга албатта кейинги гал ҳам келишга ҳаракат қиламан.

— Илгари ҳам шу каби халқаро мусобақаларда галаба қозонганимизми?

— Галабалар ҳар ҳолда менга «бегона» эмас. Масалан, бу йил Брюсселда ўтказилган муфот жамғармаси 10000 АҚШ долларлик халқаро турнирда галаба қозондим.

— Теннисда сиз энг илос қўйган спортчилар кимлар?

— Пит Сампрас ва Мартина Навратиловалар мен энг севган ўйинчиларимдир. Аиниқса Мартина Навратилованинг ёши анча улур бўлса ҳам ўзини доимо яхши спорт формасида ушлаб туриши, галабага бўлган қучли интилиши барча спортчилар ибрат олса арзийдиган муҳим хислатлардир.

— Бўш вақтларингизда нималар билан шуғулланишни ўқтирасиз?

— Чангага учиб ва сузиш бўш вақтларимда энг севили машғулотларимдир. Бундан ташқари дўстлар даврасида қувнашни ўқтираман.

— Ҳаммаси учун раҳмат. Мен силарни ҳеч қачон унутмайман».

Дилшод ИСРОИЛОВ суҳбатлашди.

СУРАТДА: Патрисия Вартуш — бош соғирин билан.

Алимурод Мамадашинов олаған сураат.

Олимпия ҳаракатининг 100 йиллигига ЮГУРУВЧИЛАР КУНИ

Ҳар йили июнь ойида бутун дунё мамлакатлари бўйлаб Халқаро Олимпия Кўмитасининг етакчилигида Олимпия — югурувчилар кўни ўтказилади. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи бу оммавий тадбирда утган йили жондаги 197 мамлакатнинг миллий олимпия кўмиталари фаол қатнашдилар. Жумладан, мустақил республикамизда ҳам ўтказилган Олимпия — югурувчилар кўнига даярлик барча вилоятлардан вакиллар қатнашган эдилар.

Бу йил «Югурувчилар кўни» нияда кенг қўламда ўтказиш мўлжалланмоқда. Олимпия ҳаракатининг бутун дунёда кенг нишонланадиган 100 йиллиги арафасида ўтказилган ушбу тадбир ўзига хос рамзий маънога эга бўлиб, шу муносабат билан Халқаро Олимпия Кўмитасининг президенти Хуан Антонио Самарчан бутун дунёда давлатларининг миллий олимпия кўмиталарига махсус хат йўллади. Кўни кеча республика Миллий Олимпия Кўмитасида бўлиб ўтган матбуот конференциясида МОК президенти Роберт Жўзев ушбу хатни тўпланганларга ўқиб берди. Сўнгги бу йилги «Югурувчилар кўни» муносабати билан ўтказилган тадбирлар, унга қурилаётган тайёргарлик ҳақида гапириб берди.

23 июнь кўни соат 10 да барча иштирокчилар Мустақиллик майдонига тўпланиб, шарт оладилар. Шунга ҳам айтиш мумкин, бу йил вилоятларга тарқатилган таклифномада сони ўтган йилдагидан бир ярим баробар кўп бўлиб, «Югурувчилар кўни» ҳақиқий оммавий-соғломлаштириш байрамига айланади. Китоб ва чанқобосди ичимликлар савдоси ташкил этилади. Ушбу тадбирга бош хомийликни машҳур «Кока-кола» фирмаси ўз зиммасига олган. Пойга голибларига махсус қимматбаҳо совғалар топшириш билан бирга, барча қатнашчилар учун «Кока-кола» ичимлиги бепул тарқатилади.

Ҳомий фирманинг савоати билан барча югурувчиларга бепул майкалар ҳам улашди кўзда тутилган. Шунга алоҳида таъкидлаш жоизки, «Олимпия» югурувчилар кўни-да ҳар бир қизқувчи ҳамшаҳримиз бевосита қатнашишлари мумкин.

Баҳодир ҲАСАНОВ.

ХАМДУСТИПКАДА

Россия Марказий сайлов комиссияси такрор президент сайлови 3 июль кўни бўлишини эълон қилди. Бу сайлов бюллетенига биринчи bosқичда сайловчиларнинг нисбатан кўпроқ овозини олган ҳозирги Президент Борис Ельцин ва Россия коммунистларининг етакчиси Геннадий Зюганов номзодлари киритилди.

Борис Ельцин президент сайловларининг иккинчи bosқичида иштирок этаётганлиги сабабли Фарбининг тарақий этган етти давлати раҳбарларининг Франциянинг Лион шаҳрида 27-28 июнь кунлари бўлиб ўтадиган олий даражадаги учрашувида қатнаша олмаслигини билдирди. Бу учрашуда Россия Бош вазир Виктор Черномырдин борадиган бўлди.

Борис Ельцин Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Олег Сосковец, Федерал хавфсизлик хизматининг директори Михаил Барсуков ва Президент Хавфсизлик хизматининг бошлиғи Александр Коржаковни истеъфога чиқарди. Уларга Борис Ельциннинг сайлов компаниясига аралашилари ҳамда президент сайловининг иккинчи bosқичини ўтказишга қаршиллик кўрсатганликлари айби қўйилди.

Россия Президентининг Тожикистондаги мухтор вакили Евгений Михайлов кеча Душанбеда Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов билан музокаралар ўтказди.

Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе Тбилисига келган Арманистон парламент делегациясини қабул қилди.

Туркменистон билан Исроилнинг «Мервах» компанияси ўртасида республикадаги нефтни қайта ишлаш заводи кенгайтириш ва техника жиҳатдан қайта қурилантириш юзасидан битим имзоланди. Бу ахдлашув 500 миллион доллар қийматга эгадир.

Тожикистоннинг ҳалок бўлган муфтийси лавозимига Омонулло Нэзматова сайланди.

Кеча Россиянинг Плевцек космодромидан ҳарбий мақсадлар учун мўлжалланган «Союз» суний йўлдошини космик фозога чиқариш муваффақиятсизликка учради.

ХОРИЖДА

Бутрос Фолей ўз номзодини БМТ Бош котиблигига иккинчи муддатга қўйди. Бироқ АҚШ унинг иккинчи муддатга халқаро ҳамжамят ташкилотига раҳбарлик қилишига қарши эканлигини билдирди.

Қозғоистон Президенти Нурсултон Назарбоев Швецига келди. У бугун бу ерда очилган минтақавий ҳамкорлик ва тараққиёт бўйича анъанавий халқаро анжуманда иштирок этади.

Қобудла чиқадиган «Шаҳр» ҳафтаномасининг ёзишча Афғонистоннинг собиқ Президенти Нажибулла 1992 йилда лавозимидан маҳрум бўлгандан бунён тўрт кун бери БМТнинг бу ердаги қароргоҳида бошлана олган. У асосан китоб мутолаа қилиш ва телевидение кўрсатувларини томоша қилиш билан машғул экан.

Нью-Йоркдаги олтин бўйича кенгашда қайси олтин олти йилда ҳаюнда тиллага бўлган талаб уни кейин олишдан қўлаб танганили маълум қилинди.

Филиппин президентини имзоланган қонунга мувофиқ эркинларга фарзанд қўрган рафиқаларини парварши қилиш учун бир ҳафталик меҳнат тазтиби бериладиган бўлди.

11-Осиё чемпиони ЗАФАРНИНГ ЗАФАР КЕПТИРГАН ТЎПИ

Ўзбекистон — Тожикистон — 5:0!

Бирлашган Араб Амирликларининг пойтахти Абу-Дабби шаҳрида футбол бўйича 11-Осиё чемпионатида кўрға ташланиб, Ўзбекистон терма жамоаси Баҳрайн ва Тожикистон жамоалари билан биргаликда VIII гуруҳдан жой олган эди. Баҳрайн жамоаси саралаш ўйинларида қатнашмаганлиги сабабли иккита учрашув ўтказилди:

8 май Душанбе. Тожикистон — Ўзбекистон — 4:0 ва 19 июнь, Тошкент шаҳри.

Финал турнирига чиқиш Афғонистонда олдида жуда мураккаб ва масъулиятли вазифа турарди. Камида 5 та жавобсиз тўп киритиш! Бунга кўплаб муҳлислар ақл бола қилмайдиган иш дея ҳисоблашганди. Уйинга Миржапар Қосимов, Игорь Шквинин, Степан Атаян қабилиранг тақлиф этилганлиги жамоамизга катта мадад бўлди.

Уйини туркменистонлик ФИФА ҳакамлари Элдор Рамазонов, Аллаберган Сапаев, Манед Мамедовлар бошқаришди. Инспектор ҳакам — жаноб Прийя Раджан Дас Мунши (Хиндистон).

Уйин бошиданок футболчиларимиз ушқоқлик билан фаол ҳужумларни бошладилар. Бешинчи дақиқада рақиблар дарвозаси яқинида уйин қондаси бузилган, ҳакам II метрлик жарима белгилади. Миржалол Қосимов жарима тўпини беҳато амалга ошириб, ҳисобни очди. Кўп ўтмай Зафар Мусабоев иккинчи тўпини меҳмонлар дарвозасига йўллаган, кўпчиликда терма жамоамизнинг галабасига ишонч туғилди. Иккинчи таймда Миржалол Қосимов яна бир жарима тўпини дарвозага киритди, Игорь Шквинин эса жавобсиз тўплар сонини 4 тага етказди.

Асосий ўйин ушбу натижа билан аяқланди, аммо икки учрашув натижаларига кўра тўплар нисбати тенг бўлганлиги сабабли, қўшимча вақт белгиланди. Ниҳоят, 5:0! Жамоамизга зафар келтирган сўнгги тўпини моҳир ўйинчи Зафар Мусабоев рақиблар дарвозасига йўллади.

—Биринчи таймдаёқ мақсадга осонгина эришиш мумкин эди, — дейди терма жамоамиз бош мураббийси Баҳодир Иброҳимов. — Аммо кўргангиздек, кўпгина қулай ҳолатлар бой берилди. Барибир тақрибли профессионал ўйинчилар билан мақсадга эришиш мумкин. Бунга ўзингиз гувоҳ бўлдингиз.

— Президентингиз ҳурмати Ислам Каримовга бизнинг ҳам ахтиромимиз чексиз, — деди Тожикистон терма жамоасининг мураббийи Абдулла Муродов. — Юртбошимиз кўпгина маърузаларида Тожикистонни олоҳида ҳамдардлик билан тилга оладилар. Бундай оқил давлат арбоби раҳбарлигида футболнингизга кўрсатилган кўксак эътибор ҳали ҳеч қайси мамлакатда бўлмаган.

— Биз финал турнири олдидан қучларимизни яна қайта чамалаб, жиддий тайёргарлик кўрамиз, — деди Баҳодир Иброҳимов.

Эслобат ўтамиз, 11-Осиё чемпионатининг финал турнири 3-20 декабрда Бирлашган Араб Амирликларининг пойтахти Абу-Дабби шаҳрида ўтказилади. Унда қатнашувчи 12 та гуруҳ голиблари ичида бизнинг мустақил Ўзбекистон терма жамоамиз ҳам Осиё кубоғи учун куч синнашди.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.



Хамза туманида дастлабки 300 нафар ўқувчи ташкил этилган мактаб-оромгоҳларга қабул қилинди.

Тошкент шаҳар ҳокимилиги ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгаши раёсатининг «1996 йилнинг ёзи таълими бўлиши» бўлининг давомида олишнинг, уларни соғломлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисидаги биргаликдаги қабул қилган қарорини асосида туман халқ таълими бўлими, санитария-эпидемиология станцияси, маданият бўлими, ёнгиқанд сақлаш, ДАН ва ички ишлар бўлими билан ҳамкорликда 198, 166, 255-мактабларда ташкил этилаётган оромгоҳлар тўлиқ кўздан кечирилди. Бу мактабларда ихтиёрий дам олувчилар билан бир қаторда, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари-

ОРОМГОҲЛАР КЎЙНИДА БЎЛИШАДИ

Ёз — утади соз

ни ҳам рўйхатга киритишга алоҳида аҳамият берилди.

Бундан ташқари ўқиш даврида тузилган график асосида 1200 ўқувчи ҳар ҳафтада туманидаги кинотеатрларда бепул бўлиши, маданий ҳордиқ чиқариши давом эттирилади. Мавжуд 28 турдаги тўрақларга қатнашадиган 600 ўқувчи ҳам ўз машғулотларини давом эттириша-

ди. Айрим кўп қаватли уйларида истикомат қўлаётган болалар учун ўй-жой коммунал хўжалик (ЖХЖ)лари қошида ҳам 12 турда тўрақлар фаолият кўрсата бошлаган эди. 3, 4, 5, 6, 10, 12 ва 63-ўй-жой коммунал хўжаликларининг кўмаги туяйли мавжуд тўрақлардан 460 нафар болалар ва ўсмир ёшлар кўлаб ҳунарлар ўрганишмоқда. Шунингдек, Навоий, Янгибод, Жар-

кўрғон маҳаллаларида ва «Дустлик» клубида ҳам худди ўқиш давридагидек 250 нафар ўқувчи уларнинг қизиқтирган машғулотлар билан банд бўладилар.

Тумандан ташқаридаги 6 та соғломлаштириш масканида, яъни «Гулистон» лагериди 800 нафар, «Оқтош»да 450, «Спуник»да 242, «Шарқ юлдузи»да 350, «Нихол»да 200, «Родничок»да 240 нафар фарзандларимиз мириқиб ҳордиқ қилмайдилар.

Болаларнинг ёз таълими даврида яхши дам олишлари учун спорт ўйинлари, мусобақалари, моҳир кўлар танлови, ҳушвоз хонандалар кўриги ўтказилди.

Ислом ЗОКИРОВ,
Хамза тумани халқ таълими бўлими мудир.

Инсоният ақлини таниб-дики, табиат муаммолари ва самовот сир-сирвоқлари устида боз қотиради, изланади, кўлга киритган ҳар бир муваффақиятидан руҳлиниб бу борадаги илмин янада бойлаштига интилади. Аста-аста ривожланиб келатган ана шундай фан соҳаларини деб «селенотиббейт» деб номланган.

Селенотиббейт Ер қуррасининг табиий йўлдоши бўлган Ойнинг инсон вужудида гравитация кучи орқали биологик таъсирини ўрганади. Албатта, Ойнинг одам танасига маълум даражада таъсири, турли хил касалликлар келиши таърифини Ой фазаларига боғлиқлиги қадимдан инсониятга маълум эди. Аммо бу ҳодисанинг илмий нуқтаи назардан талқин қилиниши селенотиббейт фанининг юзага келиши шарафати туфайли рўй берди десак янглишмаймиз.

Ой қурраси Ердан диаметри тўрт марта, ҳажми 49 марта кичик бўлган жонсиз осмон жисмидир. У ўз ўқи ва Ер атрофида ҳар доим айланб туради. Ойда ҳаво ва сув деган нарса йўқ. Унинг сиротида кундуз кунги ҳарорат одатда + 130 даражагача кўтарилиши, кечалари эса аксинча жуда совуқ — 170 даражагача пасаяди. Ойнинг ўзи ёруғлик қилмайди, балки унда Қуёш нурали акс этади. Қачонки Ой Қуёш билан Ер ўртасига тушиб қолса, яъни уларнинг учуви бир тўғри чиқсада ётганда биз Ойни бутунлай кўрмаймиз. Халқ ибораси билан айтганда бу ҳолат янги Ойнинг туғилиши рўй берди деб ифодланади. Янги Ойнинг «туғилиши» кундуз кунга тўғри келади ва Ой Ерга нисбатан ўзининг ёритилган орқа томони билан ўтирилган бўлади. Фақат-

Коинот ва саломатлик

СЕЛЕНОТИББЕЙТ ҚАНДАЙ ФАН?

гина тун пайтида ўроқсимон бир чети ёришган Ойни кўришимиз мумкин.

Ой туғилишидан бир ҳафтача ўтган, унинг деври яъни Қуёш нури билан ёрияди. Кейинчалик эса яъни икки ҳафта ўтган тўлиқ Ой даври бошланади ва бунда у Қуёшнинг тўғрисида турган бўлади. Демак, коинотда янги Ой туғилиши ва тўлиқ Ойнинг кузатилиши каби муҳим ўзаро қарама-қарши фазалар қайд этилар экан. Бу ҳолат даврий равишда 29,52 кун қайталаниб туради. Селенотиббейтда ана шу фазаларга нисбатан одам вужудидаги биологик ўзгаришларни ўрганиш эътиборга моликдир.

Илмий текширувлардан маълумки, Ойнинг гравитация кучи асосан одам танасидаги сув ва асаб тизимига таъсир этади. Бунда сувнинг таркиби ва ҳужайра деворининг ўтказувчанлиги ўзгариши оқибатда танандаги сув мувозанати ўзгариб, турли хил ҳодисаларга олиб келади. Бош миёдаги гиповидеда калций ионларига бўлиб бевида гормонал сил-силлар рўй бериб, баъзи олимларнинг фикрига кўра бу ҳолат кишининг руҳияти ва ҳатти-ҳаракатидаги ўзгаришларга сабабчи бўлади.

Замонавий космик илмий текширувлар гравитация кучининг одамга таъсирида яна бир мумкин янгликни, яъни тана суюқлиқларида калций модала алмашишуви билан гравитация ўртасидаги сувни боғлиқлиги келтириб бериб, баъзи олимларнинг фикрига кўра бу ҳолат кишининг руҳияти ва ҳатти-ҳаракатидаги ўзгаришларга сабабчи бўлади.

Замонавий космик илмий текширувлар гравитация кучининг одамга таъсирида яна бир мумкин янгликни, яъни тана суюқлиқларида калций модала алмашишуви билан гравитация ўртасидаги сувни боғлиқлиги келтириб бериб, баъзи олимларнинг фикрига кўра бу ҳолат кишининг руҳияти ва ҳатти-ҳаракатидаги ўзгаришларга сабабчи бўлади.

ЧИНАКАМИГА ОБОД БЎЛАЁТГАН «МИРОБОД»

Пойтахт бозорлари қурилишида

Шу кеча-кундузда «Миробод» бозори қурилишида ишлар жадал суръатларда олиб борилаётган. Қурувчилар уч сменага бўлиниб, тунни тонга улаб меҳнат қилишяпти. Мана шу тинимсиз меҳнат эвазига кичка муддатда бозорнинг ер остки қисми қурилиши тугалланиб, икки қаватли маъмурий биноларни тиклаш ишлари бошлаб юборилди. Умуман бозор 1200 ўринга мўлжалланган бўлиб, у икки қаватдан иборат бўлади. Масалан, бозорнинг ер остки қисмида 300-350 ўринли автомашиналар сақлаш жойи бўлади, унинг усти қисмидан эса бозор дасталари ўрин олади. Атрофи икки қаватли бинолар билан ўралиб, уларга турли савдо-сотик дўконлари жойлашади.

Юздан ортик турли касб эгалари ишлаётган қурилишда кўтаринки руҳ шундоқ сезилиб турибди. Буни ҳар бир гишт терувчи, пайвандчи ва оддий бунёдкорнинг кайфиятидан сезиб олиш қийин эмас.

Бизни пайвандчилар бригадасининг бошлиғи Абдулла Самадов билан таништиришди.

— Жамомасиз ўтган ойда илгорлар сафидан ўрин олади. Турли миллат вакиллари билан ташкил топган бригадамизда 21 киши ишлайди. Уларнинг тўрттаси менинг фарзандларим.


Бугун Рустам, Тоҳир, Шавкат ва Шухратларнинг донги бутун участкага таралган. Улар оталари изидан бориб қурилишда ишлашга



дим. Энди ўғилларим ҳам қурилишда ишлаб ҳам бўлишмапти, — дейди Абдулла ака

фасида қурувчилар томонидан фойдаланишга топширилади. Ана ўшанда келган харидордан тортиб ҳоржий меҳмонларгача янги мажмуа қиёфасига тен беришадди, унинг бунёдкорлари ҳимматига қойил қолишадди, деб ўйлайман.

— Бунёдкорларимизнинг кўпчилиги шахримиз бозорлари қурилишида анча тажриба орттиришган, — дейди бизга иш боши Фарход Абдуқаюмов. — Масалан, улар «Олой», «Эски Жува», «Беҳеғоч», «Юнусобод», «Қўйлик», «Авиасозлар», «Янгибод» каби бозорларнинг қад кўтаришида уларнинг салмоқли улушларини қўшишган. Бугунги кунда бу жойларда бўлган киши ушбу мажмуаларни бунёд этган қурувчилар ҳимматию маҳоратига тен бермай илжои йўқ. Сизлар кўриб турган «Миробод» бозори қурилиши ҳам тез фурсатда, анкироғи Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кўнининг 5 йиллик байрами ара-



жазм этишган. Ишлаганда ҳам намуна кўрсатиб ишлашяпти. — Барака топишсин. Ўзим шу қамтарона касб орқали уларни тарбиялаб вояга етказ-

фазандларига мамнун боқиб.

Жамоа ака-ука пайвандчилик Дилмурод ва Махмуд Ориповлар ишидан ҳурсанд. Улар ҳам жаммасларига ўрнак кўрсатиб ишлашяпти.

2-механизация божқармасидан келган кранчи Константин Бабушкиннинг кўл-қўлига тағмайди. У машинасини чақонлик билан бошқариб, қурувчилар оғирини енгил қилмоқда. Кранчи бошқараётган машина хартуми бир зум бўлсада тўмайди. Гоҳ у оғир юк билан баландага қўтарилса, гоҳида пастга қараб шўнғийди.

Хуллас янги йилнинг дастлабки кунларидан бошланган ушбу қурилиш нуқтасида пайвандлаш-тиклаш ишлари ниҳосига етиб бормоқда.

Қурувчиларга иссиқ оқват шу ернинг ўзида ташкил этилган. Қолаверса, бозор маъмурияти ҳам уларнинг иссиқ-совуғидан ҳар кун хабардор бўлиб турибди.

— Шундай қилишимиз ҳам керак, — дейди «Миробод» акциядорлик жамияти раиси Йўлдошали Абдусатторов. — Чунки бунёдкорларимиз бизнинг эски 600 ўринли бозоримизни янгилаб савдо ўринларини тенг бараварга кўпайтириб беришяпти. Кишининг совағи, ёзининг ҳазирамасига қарамай тер тўкаётган бунёдкорлар ҳимматига гоҳ қанча раҳмат айтсак арзийди.

Махмуд КОМИЛЖОНОВ,
СУРАТЛАРДА: «Миробод» бозори қурилишидаги лавҳалар.
Рашид Галиев олган суратлар.



Тарихий манбаларда чойни инсоният ичимлик сифатида бундан 5000 йил бурун кашф этган, дейилган. У дастлаб Хитойда маълум бўлиб «чай» — яшил барг номи билан юритилган. Аслида «Хитой» сўзи инглизча «чайна» дейилган. Шунинг учун Хитой буюмлари «Чин» номи билан машҳур.

Чойкорлик аввал Хитойда, сўнгра Япония, Хиндихитой мамлакатларида ривож топди. Европаликлар чойни XVI асрдан таниди. Англияда, Германияда фақат XVII асрдан чой шухрат қозонди. Лекин у бозорда жуда юқори баҳоланарди. Марказий Осиёда чой дастлаб XIII асрдан маълум бўлди. Лекин халқ эътиборини дарров қозонмади. Чунки у катта ҳажмли қопларда ташилар, узок йўл босгани туфайли унинг хушбўй хиди йўқолар ва таъми ҳам ўзгариб қоларди.

XIX асрдан чой Марказий Осиёга Буюк ипак йўли билан Қашгар ва Россия орқали ўтган. Соҳибқирон Амир Темури чой истеъмол қилганми, деган саволга, йўқ деб жавоб беришга жазм этдик. 1403 йилда Самарқандда пошдо саройида Испания элчиси Рюи Гонзалес де Клавио шарафига ўтказилган зиёфатдаги турли ноз-неъматлар ичида чой ичимлиги кўринмади. Умуман кўр-кўк чой билан савдо қиладиган дўконлар ва чойхоналар йўқ эди, деб ёзади элчи. Бундан кейинги асрларда Амир Темури хитобиди Самарқандда «Дилқушо» чойхонаси қурилгани тўғрисида маълумот бор, лекин чой ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Умуман олганда Амир Темури сулоласи чойдан

Мозий садоси ЧАНҚОВБОСДИ ЯШИЛ БАРГ

го, олча, гилос қайнатмалари, тарвуз, қовун, бодринг, ёғмир, қор, муз сувлари тановул қилинади. Искандар Зулқарнайн даврида харбий юришлар пайтида ичимлик суви тўя, от, ҳачир, ҳўкиз қўшилган арваларга юклаган катта ҳажмли кумуш идишларда фақат аскарлар учун олиб юрилган. Маълумки, кумуш заррачалари сувни ҳар қандай зарарли микроблардан тазалайди. Бу тадбир армияда ошқозон-ичак касали тарқалишининг олдини олишда муҳим ҳисобланган. Отлик аскарлар учун эгариниқ қоши, қилинчинг сопи кумуш қопламаси билан безалган. Бу беэақдан мақсад жанг давомида бидан жароҳатини дезинфекция қилиш назарда тутилган. Ҳазрати Амир Темури ҳам харбий юришларда лашкарнинг бардамлигини

турхонга киши бошига бир коса узатилади. Чалоб тайёрлаш учун булоқ сувидан сузма суялтирилади, туз, ош қўқлари ва кўк пилёз тўраба солинади. Энг кичик қилиб шундаки, у ёғоч товодда тайёрланади, уни бўлмасдан ўша идишдан қошиқчи хўпалаб ичилади. Чалоб кишига хузур бағишлайди. Уни ичганда чанқоқ босилади, чеҳра очилади, чарчок кетади, иштаха пайдо бўлади.

Бу воқеада чанқоқни бостириш учун аҳоли яна бир қўқатдан фойдаланади, бу ҳам бўлса — чуқури (сурхонликлар лажҳасида), чайнаман-шиминг (Фаргона лажҳасида), равон (Тошкент лажҳасида) ҳисобланади. Бу ўсимлик тоғларнинг ён бағирларида ўсади, унинг пояси чайналганда сувга бўлган қучли талаб сал бўлсада қондирила-

ди. У шифобахш гиёҳлар қаторида туради. Чанқоқни босиш овқатларига гўжа ҳам кирди. У кўпроқ Самарқанд, Жиззах томонида тарқалган. Бу ҳам овқат, ҳам ичимликдир. Гўжанинг 5 тури маълум: сутли гўжа, қатқил гўжа, жазли гўжа ва ачитма гўжа. Шулардан фаслларга қараб қатқил ва ачитма гўжалар йилнинг иссиқ кунларида, қолганлари эса салқин фаслларда тайёрланади. Иссиқ, очик ҳавода узок меҳнат қилган киши, кўп йўл юрган йўловчи аввало гўжа тановул қилишни маълум кўради. У соҳибқироннинг севиб тановул қилган овқатларидан бўлган.

Амир Темури харбий юришларда янги жойларни ишғол қилар экан, лашкарга ерли халқ вакилидан битта бошловчи тайинлаган. У фақат йўл бошловчи бўлибгина қолмасдан хатарли жойлар, захарли қўқатлар, сувлар, хавфли йиртқичлар, газандалардан эҳтиёт бўлишга аскарларни боҳабар қилган, лашкарда эпидемия тарқалмаслик чоралари ҳар бир бўлинмаларга бириктирилган табибларга юқлатилган. Соҳибқирон умрининг 30 йилини жанг-жадалда ўтказди. Аини вақтда эски ва янги музофотлардан соя-салқин боғроғлар, каналлар, фаворалар барпо этиш унинг диққат марказида бўлди. Меҳнатқаш халқнинг ҳордиқ чиқариши учун шарт-шароит яратишни улайди. Хуосун у Оқсаройнинг тепалиси 25—30 метрча баландликда фавора қурдирган. Фавора Самарқанд—Китоб довоидан қиёрига орқали келтирилган. Фавора физиканг «Туташ идишлар» ҳондони мувофиқ табиий қонга отилиб турар эди.

Қўзйоб ҚОРАБОЕВ,
геология-минералогия фанлари номзоди.

Китоб жавонингизга ҲАЁТГА ҲАМНАФАС

Насрий ва драматик асарлари билан китобхонларга яхши таниш бўлган иқтидорли ёзувчи Шойим Бўтаевнинг «Ёзувчи» нашриётида босмадан чиққан «Шамол ўйини» қисса ва ҳикоялар тўплами муҳлислар учун яхшигина тўхта бўлди. Мазкур тўпламга ёзувчининг «Шамол ўйини» деб номланган қиссаси ва ҳаёт нафаси ўфуриб турган туркум ҳикоялари киритилган.

Муаллиф ўз қиссаси орқали китобхонни оддий қишлоқ кишилари билан таништиради. Тўпламдан ўрин олган ҳикоялар кишиларни ўйлашга, ҳаёт ҳақида фикр-фалсафа қорлайди. Атрофимиздаги кимсалар, уларнинг дарди билан ўқувчини ошно этади. Муаллиф қаламга олган қаҳрамонлар нотаниш эмас, кимларгадир ўхшаб кетади. Ҳар бир китобхон ўз яқинини шу қаҳрамонлар орқали кўради. Муаллифнинг янги китоби кўпчилик қалбидан ўрин олиши шубҳасиз. Чунки тўпламда ҳаёт билан ҳамнафас воқеалар, бизга яқин бўлган қаҳрамонларнинг кечинмалари ёритилган.

Салоҳиддин СИРОЖИДИНОВ.



Дўпчилари ярашган, Сингилжоним кўз ёшиинг, Сингил сал йилгоқи. Эргашгани эргашган Кўчага чиққан чоғим. Рашид Галиев олган сурат.

Шокир ҚОСИМОВ, тиббейт фанлари номзоди.

ДУШАНБА, 24

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тоғни дам олиш дастури. 8.00 — 8.30 «Хафтанома».

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Мультикарусель». 18.15 «Мультикарусель». 18.25 «Тропиканка». Теле-сериял (Бразилия).

21.30 Ўзлонлар. 21.35 «Келажак синовлари». Бадий фильм. 23.20 — 23.25 Янгиликлар.

ПАЙШАНБА, 27

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тоғни дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

11.05 Болалар учун: «Сехрли оҳанглар». 11.35 «Камолот йўли». Маърифий курсатув.

ШАНБА, 29

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тоғни дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

20.30 «Ахборот». 20.55 Ўзлонлар. 21.00 «Бангкок-Хилтон». Теле-риал.

ЯКШАНБА, 30

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тоғни дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

18.00 Янгиликлар. 18.10 Ўзлонлар. 18.15 «Мультикарусель».

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Мультикарусель». 18.15 «Мультикарусель».

ХАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР 24 июнь — 30 июнь. 21.30 «Ахборот» (рус тилида).

17.50 Янгиликлар. 17.55 Ўзлонлар. 18.00 «Оловат гулдастаси». Телефильм.

17.50 Янгиликлар. 17.55 Ўзлонлар. 18.00 «Оловат гулдастаси». Телефильм.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Мультикарусель».

22.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм. 23.00 — 24.00 «Спорт китаси».

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Мультикарусель».

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тоғни дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тоғни дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тоғни дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тоғни дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тоғни дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тоғни дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тоғни дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тоғни дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тоғни дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тоғни дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЎЗЛОНЛАР. «ТУРОН» САНАТОРИЙСИДА. пул ўтказиш йўли билан ва нақд пулга БЕМОРЛАРНИНГ ҚАТНАБ ДАВОЛАНИШИ КЕНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН.

ҚЎРМАТЛИ ОТА-ОНАЛАР! Сиз фарзандларингизнинг келажакдаги ўқиш ва касб-хўнар эгаллаш масаласини ҳал қилдингизми? ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ТЕХНИКА ЛИЦЕЙИ

ДИҚҚАТ! Тошкент шаҳар ташкилотлари раҳбарлари ва ташкилотларнинг ўзининг янги БАНК РЕКВИЗИТЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси 26-ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ. Янгилик ва қизларни НАҚОШЛИК, ЗАРГАРЛИК, ЧИННИКОРЛИК, ХИСОБЧИ, ПОПОЧЧИЛИК КАСБАЛARI БЎЙИЧА

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» давлат акционерлик компаниясининг ВОПОНЛАРНИ ТАЪМИРЛАШ ВА ЙЎЛОВЧИЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ДИРЕКЦИЯСИГА

ШАХАР ТЕЛЕФОН ТАРМОғИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА! Алоқа ишхоналарида режали равишда таъмирлаш ишлари олиб борилиши муносабати билан Шамсутдинов (илгариги «Строительная») кўчасидаги 39, 40, 41, 42, 43, 45, 46, 1-а-уйларда

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ TOSHKENT OQSHOMI

Муассис: ТОШКЕНТ ШАХАР ҲОКИМЛИГИ

Манзил: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар — 33-29-70; эълонлар: 33-81-42, 36-57-27.

Душанба, қоршапба ва жума кунлари чиқади. Нашр қилганда 33-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг имконияти.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 33-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг имконияти.